

# “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастури ижроси ҳамда паст кучланишли электр тармоқлари ва транформаторларни янгилаш чора- тадбирлари тўғрисида маълумот 01.04.2021 йил ҳолатига

Ўзбекистон Ркспубликаси Президентининг **“2017-2021** йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси **“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”**да амалга оширишга оид давлат дастуритўғрисида”ги **2021** йил 3 февраль **ПФ-6155**-сон Фармони ва **2021** йил **18-19** март кунлари Тошкент вилоятига ташрифи давомида ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда **“Обод қишлоқ”** ва **“Обод маҳалла”** Дастурларини узвий давом эттириш орқали ҳудудларнинг йўл транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа обьектларини барпо этиш ҳамда у асосида аҳолининг фаровонлиги ва турмуш тарзини янада юксалтириш мақсадида, вилоятдаги **133 та “оғир”** маҳалла фуқаролар йиғинларидан **2021** йил **“Обод қишлоқ”** дастурига туманлардан **32 та** ва шаҳар фуқаролар йиғинларидан **“Обод маҳалла”** дастурига **15 та**, жами **47 та** маҳаллалар киритилди.

Туман (шаҳар)ларда шаклланган рўйхатдан **2021** йил давлат дастурига кирмаган **86 та** маҳалла фуқаролар йиғинларини **2022-2023** йилларга мўлжалланган **“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”** дастурига киритиш режалаштирилмоқда.

Жумладан:

**“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2021 йилда қурилиш ва ободонлаштриш ишлари  
амалга ошириладиган 32 та маҳаллаларнинг манзилли рўйхати**

**Бекобод тумани-Ачамайли, Пахтакор МФЙ,**

**Бўка тумани-Даштобод, Мойтепа (Самарқанд қишлоғи), Мирзабек МФЙ**

**Бўстонлиқ тумани-Талпин, Қорамазор МФЙ**

**Зангиота тумани-Намуна, Саховат МФЙ**

**Қибрай тумани-Хўжақўрғон, Чинобод МФЙ**

**Қуйичирчиқ тумани-Юлдуз, Мевазор МФЙ**

**Оққўрғон тумани-Маданият, Элтамғали МФЙ**

**Оҳангарон тумани-Гулобод, Қизилой МФЙ**

**Паркент тумани-Бўстон, Сурхи МФЙ**

**Пискент тумани-Оқтом, Чимқўрғон МФЙ**

**Тошкент тумани-Чувалачи. Кенсой МФЙ**

**Ўртачирчиқ тумани-Халқобод, Янгиобод МФЙ**

**Чиноз тумани-** Гулзоробод, Наврӯз МФЙ

**Юқори Чирчиқ тумани-** Қангли, Қўрсой, Булоқбоши МФЙ

**Янгийил тумани-**Ниҳол, Сайд-ота МФЙлари.

**“Обод маҳалла” дастури доирасида 2021 йилда қурилиш ва ободонлаштриш ишлари  
амалга ошириладиган 15 та маҳаллаларнинг манзилли рўйхати**

**Ангрен шаҳри-**Тараққиёт, Истиқлол МФЙ.

**Бекобод шаҳар-** Тараққиёт, Булоқариқ МФЙ.

**Нурафшон шаҳри-** Оппоқ, Наврӯз, Бобур МФЙ

**Олмалиқ шаҳри-** Олмалиқсой, Зарбулоқ МФЙ.

**Оҳангарон шаҳар-** Ноғайқўрғон, Гулистон МФЙ

**Чирчиқ шаҳри-** Умид, Ёшлиқ МФЙ

**Янгийўл шаҳри-** Қовунчи тепа, Баҳт МФЙ

**Ижтимоий-иқтисодий ҳолати энг оғир бўлган 10 та қишлоқ ва маҳаллалар рўйхати ва  
уларда олиб борилган ишлар**

1. **Бекобод тумани “Пахтакор” МФЙ**
2. **Бўка тумани “Даштобод” МФЙ**
3. **Бўстонлик тумани “Талпин” МФЙ**
4. **Қибрай тумани “Жўжақўрғон” МФЙ**
5. **Қуийи Чирчиқ тумани “Юлдуз” МФЙ**
6. **Оҳангарон тумани “Гулобод” МФЙ**

(“Янгиқишлоқ”) аҳоли пункти

7. 7. **Паркент тумани “Бўстон” МФЙ**
8. **Пискент тумани “Оқтом” МФЙ**
9. **Чиноз тумани “Наврӯз” МФЙ**
10. **Янгийўл тумани “Ниҳол” МФЙ**

**Қибрай тумани “Хўжақўрғон”** МФЙ худудида Хўжақўрғон, Тантана, Барака, Табассум, Хотира, Адолат, Барака, жами 7 та кўчалари мавжуд бўлиб, ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. **Тантана** кўчасининг **4-тор** кўчаси ва асосий қисмига **2500** метр масофасига тўкилган шебенни ёйиш илари олиб борилди, ушбу худудидаги **8-та** авария ҳолатидаги ичимлик сув қувурлари таъмирланиб, барака асосий кўchasининг зовурлари тозаланиб **82 та** хонадонлар ободонлаштирилиб **2 000** дан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди.

Маҳалла биносининг ташқи девор олдидан пенсионерлар фойдаланиши учун қулайлик яратиш мақсадида **28 метрлик** кичик йўлка ташкил қилинди, маҳалла худудидаги **8-та** хонадонни икки босқичли газ босимиға ўтказиш учун жами **6 та** редуктор газ регуляторлари ҳамда жами **700** метр газ қувурлари краска қилинди. **Хўжақўрғон** жоъме масжидининг девор қисмини шувоқ ишлари олиб борилиб, масжиднинг **25 метр** ва маҳалла биноси панжараларида бўяш ишлари олиб борилиб, арча ҳамда манзарали кўчатлар экилди. Маҳалла худудидаги **Барака** кўчасига кириб келувчи газ қувури таъмирланди, **Барака** кўчасининг **8-тор** кўчасига жами **160** метр хонадонларга газ қувурлари улаш учун олиб келинди. **Хўжақўрғон** жоъме масжидининг фасад қисмига ранг берилиб масжиднинг кириш қисми олди тамони шифти пластик билан қопланди. **Барака** кўчасидаги ноқонуний қурилмаларни бузиб, тозалаш учун техникалар ёрдамида ишлар олиб борилди.

**Бўстонлиқ тумани “Талпин” МФЙда** “Оғир ҳудуд” дастури бўйича чора – тадбирлари ижросини таъминлаш мақсадида, Бўстонлиқ тумани ҳокими - Фуқаро муҳофазаси бошлиғининг **2021** йил **10** февралдаги **4**-сонли буйруғига асосан, “**Талпин**” МФЙ ҳудудида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, маҳалла кўчаларини ободонлаштириш максадида, туман ҳокимлиги, туман ФВБ, туман Ободонлаштириш бошқармаси, маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлими ҳодимлари ҳамда Мазкур тадбирга Чирчиқ шаҳридаги харбий қисмлардан хар кунига **97 нафар** харбийлар ва Бўстонлиқ тумани ободонлаштириш бошқармаси ходимлари билан биргаликда қўйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

**“Талпин”** Маҳалла фуқаролар йиғинида **3 988 метрлик** (лоток) ариқлар тозаланди ва ушбу ариқлардан чиқган чиқндишлар олиб чиқилди, **500 метрлик** ичимлик сув қувири ётказилди. **38 та** тунги ёритигичлар янгисига алмаштирилди. **4 та** кўчаларнинг **3 820 метрига** қум-шағаллар ётказилди ва ушбу ётказилган қум-шағаллар грейдер ва харбий хизматчилар ёрдамида текисланди. **6 та** хонодоннинг томорқалари ободонлаштирилди, дараҳтларига шакл берилиб, оқланди, шундан **1 та** хонодоннинг фасад қисми оқланди. **1 500** метр узинликдаги газ қувирларини бўяш ишлари амалга оширилди. Худудда **1 та** қабристон мавжуд бўлиб ушбу қабристон ободонлаштирилди ва дараҳтларига шакл берилиб, оқланди. **8 нафар** фуқаролар томонидан ноқонуний эгаллаб олинган ерларнинг тўсиқлари очилиб экилган дараҳтларига шакл берилди ва ушбу жойлар ободонлаштирилди. Тадбирларга **41 та** маҳсус техника жалб қилинди.

**Чиноз тумани “Наврўз”** МФЙда **Самарқанд** кўчаси, **Ёшлиқ** кўчаси ва **Хуррият** кўчаларига **680 м** шағал ётказилди, хонадон томорқалари чопилиб экин экиш учун таёrlанди ва кўча юзларидаги **1 200 та** дараҳтлар оқланиб шакл берилди. **Ораста** кўчасидаги **72 та** хонадонларини электр энергия манбани яхшилаш мақсадида **1 та** трансформатор қўйилди.

**Бўка тумани “Даштобод”** МФЙ **6 та** кўча мавжуд бўлиб, ҳар бир кўчага **18-22** машинадан шағал ташланиб, йўллар текисланди. МФЙ ҳудудидаги кўчаларга **180** туп манзарали, **1 100** мевали ва **1 860** туп гул кўчатлари экилиб, **2 400** дона дараҳтларга шакл берилди. **3,6** км ариқ ва зовурлар тозаланиб, **121** тонна чиқндишлар олиб чиқиб ташланди. **Деҳқонвул** ва **Мингтерак** кўчаларидаги **2 та** кўпrik тўлиқ таъмирдан чиқарилди. **Мингтерак** ва **Гулзор** кўчаларидаги электр трасформаторлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди. **Гулзор** кўчасидаги **35** дона, **Деҳқонвул** кўchasidagi **25** дона эскирган электр симёғочлар алмаштирилди. Кўчалардаги **800** метр газ қувурлари таъмирланди ва бўялди. **Гулзор** кўchasidagi **3 та** хонадон ҳомийлар ҳисобидан фасад қисми таъмирдан чиқарип берилди.

**Пискент туманида “Обод қишлоқ”** дастури чора-тадбирларини ижросини таъминлаш мақсадида тумандаги аҳоли учун долзарб муаммолари кўп бўлган оғир ҳудудлар рўйхатига кирган “**Оқтом**” маҳалла ҳудудида жами **15 та** кўчалар мавжуд бўлиб, Бодомзор, Наврўз, Водий кўчаларида ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди, кўчалардаги ариқ ва зовурлари тозаланиб, **82 та** хонадонлар ободонлаштирилиб **1 200** дан ортиқ манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари экилди.

Маҳалла биносини ташқи кўриниши оқланиб эшик ва деразалар краска қилинди. Ҳудудаги қабристон девор қисмини суваш ишлари, панжараларида бўяш ишлари ва арча ҳамда манзарали кўчатлар экилди.

**Оҳангарон тумани “Гулобод”** МФЙ **Чароғон** ва **Истиқлол** кўчасининг **2 км** йўл қисмiga шағал солинди ва **22 та** симёғочлар темир- бетон симёғочларига алмаштирилди. **Гулобод** мфига қарашли Янги қишлоқ сув сақлагич таъмирланиб, бўёқ қилинди. Атроф мухитда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. **30-40 тонна** маҳаллий чиқндишлар олиб чиқилди. Аҳоли хонадонларида дараҳтларга ишлов бериш ишлари олиб борилмоқда. Ишсиз бўлган ёшлар Ш.Суюнбоев ва Ф. Бегимовларга **1 гектар** ер майдони ажратиб берилди.

**Бекобод тумани “Пахтакор”** МФЙнинг Чегарачилар кўчасида **3 км** масофага шаҳал ётқизилди. **1 050 дона** мевали ва манзарали кўчатлар экилиб, **2 000 дона** мевали кўчатларга ишлов берилди. **70 та** хонадоннинг фасад қисми таъмирланди. Кўчалар кесимида жами **1 700 метр** зовур ва ариқлар тозаланиб, **8 тонна** чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Мурувват кўчасидаги **6 та** электр симёғочлар ўрнига янги темир бетон симёғочлар қўйилди, улардан **4 тасига** кечки ёритгич чироқлари ўрнатилди. МФЙ худудиди **1 та** қабристон бўлиб, унинг **1,2 гектар** ер майдони ободонлаштирилди. МФЙ биносининг том қисми таъмирланди. Шу кунга қадар жами МФЙ худудидаги **2 560** гектар ер майдонлари ободонлаштирилди.

**Қуйичирчиқ тумани “Юлдуз”** маҳалла фуқаролар йиғинида кўчалардаги таъмирталаб газ қувурлари қайта таъмирланиб, **0,5 км** узунликдаги қувурлар бўялди. **100 туп** дараҳтларнинг таглари оқланди. Аҳоли томорқаларида ва йўл чеккаларига **300** тупдан ортиқ дараҳт кўчатлари, **200** тупдан ортиқ гуллар экилди. **3,7 км** узунликдаги ички ариқлар тозаланди. **2,5 тонна** миқдордаги чиқиндилар чиқариб ташланди. **Оқчангаль, Қорамозорбува** қабристонларида жами **1 гектар**дан ортиқ майдони ободонлаштирилди. Маҳалладаги **1,5 гектар**дан ортиқ майдон тозаланиб, ободонлаштирилди.

**Паркент тумани “Бўйстон”** МФЙда 2021 йилда маҳалла фуқаролар йиғини худуддида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шундан, электр тармоқлари тортиш ва алмаштириш, бўйича **3 дона** таянч устунлар алмаштирилди, ичимлик сув тармоғини таъмирлаш бўйича жами **500 метр**, газ тармоқлари таъмирлаш бўйича жами **300 метр** ҳамда **0,5 тн** суюлтирилган газ тарқатилди. Ички автомобиль йўллари, йўл кўприклари ва бошқа йўл инфратузилмаси объектларининг ҳолатини ўрганиш натижасида **530 м** йўллар қум-шағал аралашмаси ва чақиқ тош ётқизиш йўли билан таъмирланди. Ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан, мактабгача таълим, ташкилотлари ва спорт объектлари, олий таълим ва соғлиқни сақлаш (ҚВП, оиласий поликлиника ва тиббиёт пунктлари ва бошқалар)муассасаларнинг жорий ҳолатини ўрганиш натижасида 2 та муассасаларда муаммолар аниқланди ҳамда **2 та** муаммоли ҳолатлар бартараф этилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасидан бириклирилган **100 нафар** ёнғин-қутқарувчилар ва туман ташкилотлари билан биргаликда туманидаги ҳар бир маҳаллаларга жалб этилиб, ободонлаштириш ишлари яъни қўкаламзорлаштириш, маҳалла худудидаги ички йўлларни чиқиндилардан тозалаш, дараҳтларни оқлаш ва шакл бериш ва бошқа бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

**Янгийўл тумани “Ниҳол”** МФЙда ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишларига **250** нафар хашарчилар **ва 15 та** маҳсус автомобиллар жалб этилиб, **2 км** масофадаги кўчаларга шағал ётқизилди, **3 та** қабристонларда ободонлаштириш, қўкаламзорлаштириш ишлари ташкил қилинди. Ундан ташқари ўта оғир шароитда яшаётган ёрдамга муҳтоҷ оиласаларнинг хонадонлари ва фасад қисми таъмирлаб берилди, **3,5 км** масофадаги ариқ ва зовурлар тозаланди ва **12,3 т** чиқиндилар олиб чиқиб ташланди. **450 туп** мевали ва манзарали дараҳтлар экилди, **2 та** чиқиндихоналар тартибига келтирилиб таъмирланди, **27 та** хонадонлардаги кам тамилланган томорқа эгаларининг ер майдонларига ишлов беришда кўмаклашилди, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларга **360 та** мевали ва манзарали дараҳт кўчатлари бепул берилиб, **6 та** хонадонларга иссиқхоналар қуриб берилди.